# Маҳалла билан ҳамкорлик

2018-йил 21-июн куни Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган институт яқинидаги “Лашкарбеги” маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари, ички ишлар ходимлари, туман ҳокимияти вакиллари, институт “Ёш тарғиботчилар” гуруҳи аъзолари иштирокида давра суҳбати олиб борилди.

Давра суҳбати давомида бугунги кундаги маҳаллададаги муаммолар уларнинг ечимлари, оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш ҳамда ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш масаласи, жамоат тартибсизликларининг олдини олишга қаратилган фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбати давомида институт фаол талабалари олий таълим муассасасида бугунги кунда яратилган имкониятлар билан танишиш ҳамда институтда бўлиб ўтадиган тадбирларга маҳалла ёшларни жалб қилиш каби таклифларни маҳалла фаолларига айтиб ўтишди.

**Институт ёшлар иттифоқи “Ёшлар медиа-клуби раҳбари”   Улуғбек Манзирбоев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**